



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№2

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 2-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

PhD, И.Ш.Эрназарова

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Fotimaxon Ibragimovna Ergasheva Jamoatchilik bilan aloqalarni boshqarish funktsiyalari va tamoyillari	156
Xilola Nematovna Ochilova Oliy ta’lim tizimida pedagog-xodimlarni boshqarishning ahamiyati	162
Niyozxo’ja Bahroil o’g’li Yahyoxonov Samsung kompaniyasining marketing faoliyati tahlili	168
Xilola Nematovna Ochilova, Asilbek Po’lat o’g’li Ne’matov Oliy ta’lim muassasalarida pedagog-xodimlarni boshqarishning samaradorligini baholash yo’llari	173
ИНВЕСТИЦИЯ	
Musurmon Axmadovich A’zamov, Ra’no Sherali qizi Xoliqulova, Muzaffar Janobiddinovich Suyunov Raqamli iqtisodiyot sharoitida investitsiyalarning o’rni va ahamiyati	177
Ozodbek Shuhrat o’g’li Jumaqulov Investitsion jozibadorlikni oshirishni iqtisodiy rivojlanishga ta’siri	181
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Nuriddin Elamonovich Ernazarov Jismoniy shaxslarning mol-mulk solig’ini soliq bazasini hisoblash amaliyotini takomillashtirish	188
Bobir Xo’jaqul o’g’li Qilichov Sug’urta bozorlari va global turizmning o’zaro bog’liqligi	191
Зариф Юсупович Аминов Хизмат кўрсатувчи корхоналар иқтисодий хавфсизлиги ҳолатини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари	194
То’лиқин Ismatulla o’g’li Yahyoyev Pul oqimlari harakatini moliyaviy hisob xalqaro standartlariga ko’ra aks ettirilishi	198
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Бекзод Сайдазим ўғли Бурхонов Инсон ресурслари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва унга таъсир этувчи омиллар	202
Шахриёр Шодиёрович Тураев Адвокатлик тузилмалари адвокатга иш ҳақи тўловлари ва унинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш	206
Baxtiyor Xushvaktovich Azizkulov, Musurmon Axmadovich A’zamov, Dilafruz Asqarjon qizi Uroqova Klasterlar faoliyatini ekonometrik prognozlash	210
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Feruz Kubaymurodovna Ismoilova Ta’lim xizmatlari bozorida malakali kadrlarga bo’lgan ehtiyojni shakllantirish asoslari	215
Akram Abduraxmonovich Azizqulov, Is’haq Abduraxmonov Xizmat ko’rsatish odobi Yusuf Xos Xojib talqinida	219
Khasan Khankeldiyev, Shakhrukh Bobojanov A study on preference for either online education courses or traditional ones at turin polytechnic university in Tashkent	223
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Ҳар биримиз 8,2 миллиард кишининг биримиз	227

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ

Бекзод Сайдазим ўғли Бурхонов – СамИСИ 1-босқич магистранти

ИНСОН РЕСУРСЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Аннотация. Ушбу мақолада инсон ресурслари самарадорлигини аниқловчи асосий кўрсаткичлар ва уларнинг иқтисодий таҳлили келтирилган. Тадқиқот объекти сифатида турли корхоналар мисолида меҳнат ресурсларининг самарадорлиги ўлчанган. Ички ва ташқи омиллар таъсири таҳлил қилинади ҳамда илмий асосланган тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Инсон ресурслари, самарадорлик, меҳнат унумдорлиги, мотивавтсия, иш ҳақи фонди, корхона самарадорлиги, иқтисодий кўрсаткичлар, иқтисодиёт, таҳлил.

Кириш. Замонавий рақобат муҳитида корхоналар муваффақияти бевосита инсон капиталининг сифатига боғлиқ ҳисобланади. Инсон ресурслари нафақат ишлаб чиқариш жараёнининг ажралмас қисми, балки инноватсион ёндашувлар ва технологик янгиланишларнинг асосий ташувчисидир. Шу нуқтаи назардан, корхоналарда инсон ресурслари самарадорлигини баҳолаш ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир. Инсон ресурсларини ҳардоим тўғри йўналтириш учун уларни тўғри баҳолай олиш керак. Бунинг учун жараёни аниқ ифода этиш, тўғри формулалар ишлаб чиқиш ҳамда аниқ самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичларни ишлата олиш керак.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ш.У. Каюмованинг “Инсон ресурсларини бошқариш жараёнини самарали ташкил этиш”¹ номли мақоласида инсон ресурсларини бошқариш жараёнини самарали ташкил этишда фойдаланиладиган замонавий ёндашувлар ва усуллар таҳлил қилинган. Инсон ресурсларини бошқариш самарадорлиги кадрлар салоҳияти, меҳнат унумдорлиги, мотиватсия тизимининг самарадорлиги ва ташкилотнинг стратегик мақсадларига эришиш даражаси каби муҳим жиҳатларни қамраб олувчи кўрсаткичлар асосида баҳоланади. Мақолада Тошкент вилояти Ғазначилик хизмати мисолида инсон ресурсларини бошқариш жараёнини ташкил этишда қўлланиладиган асосий тамойиллар, уларнинг амалий аҳамияти ҳамда таҳлилий ёндашувларнинг афзалликлари ўрганилган. Тадқиқот давомида инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш учун муҳим бўлган кадрлар бошқаруви стратегиясини такомиллаштириш, замонавий технологияларни жорий этиш ва мотиватсия тизимини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Ушбу тадқиқот натижалари инсон ресурсларини бошқариш жараёнини янада самарали ташкил этиш ва ташкилот фаолиятини ривожлантиришга қаратилган стратегик қарорлар қабул қилишда амалий кўмак сифатида фойдаланилиши мумкин.

А.Б. Хайитовнинг “Инсон ресурсларини бошқариш”² номли дарслигида инсон ресурсларини бошқаришнинг асослари, инсон ресурсларини бошқариш концепциясининг шаклланиши ва ривожланиши, ташкилотнинг инсон ресурсларига бўлган эҳтиёжини аниқлаш, ходимларни рағбатлантириш ва мотиватсиялаш усуллари, иш жойида ходимларни касбий мослаштиришнинг шаклланиш тизимлари, ташкилотда инсон ресурсларидан фойдаланишни ташкилий бошқариш, ташкилотда инсон ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, инсон ресурсларидан самарали фойдаланишни ҳисоблаш ва бошқариш, инсон ресурсларини сифат жиҳатидан бошқариш, ходимларни ишга ёллаш, фойдаланиш ва ишдан бўшатишни шартномавий тартибга солиш, ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва лавозимларга бириктириш, инсон ресурсларини бошқаришнинг

¹ <https://scientific-jl.com/luch/article/view/342>

² https://f.lib.dipuni.uz/IT/AAA/6.%20Yurisprudensiya/Inson%20resurslarini%20boshqarish/2023-11-09-11-15-04_8b5bc5115fe42d2158d653969c6a8b69.pdf

замонавий консепсияларининг асосий тамойиллари ҳамда меҳнат соҳасида ижтимоий шерикчилик механизмларининг назарий-амалий томонларини ўрганиш ва тадқиқ этиш масалалари ёритилган.

М.Қ.Пардаевнинг “Инсон капиталининг яшил иқтисодиётдаги аҳамияти”¹ мақоласида эса инсон капиталининг “яшил иқтисодиёт”даги аҳамияти унинг таърифи ва аҳамият ҳақида сўз боради. Яқин йиллардаги глобал муаммолардан бири бу иқлим ўзгаришидир. Бунинг асосий сабаби атроф-муҳитнинг ифлосланиши, “яшил иқтисодиёт” тизимининг кенг қўлланилмаётганлиги ҳамда инсонларнинг табиатга эътиборсиз муносабатдалигидир. Мақолада инсон капиталини “яшил иқтисодиёт”даги дахлдорлигини мустаҳкамлаш учун қилинадиган ишлар ҳақида сўз борган.

Ёш олим Ў.Хўжақулов шундай изланиш олиб борганки¹, ҳукумат томонидан ижтимоий ривожланишни рағбатлантириш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни режалаштириш, бюджетлаштириш ва бошқариш учун давлат воситаларини такомиллаштиришга зарурият туғилади. Шу нуқтаи назардан, ахборотни ишлаб чиқариш ва тарқатиш давлат бошқаруви ва давлат сиёсати ҳақидаги билимларни ошириш имконини беради. Бу айниқса, давлат товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва аҳолига етказиб бериш имкониятларини кенгайтиришга интилаётган бир пайтда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу сабабли, самарадорлик кўрсаткичларини ривожлантириш ва уларни ўлчаш давлат бошқаруви учун фойдали воситадир. Самарадорликни ўлчовчи индикаторлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: индикатор тезкор, тактик ёки стратегик қарорларни қўллаб-қувватлаши; кўрсаткичлар қарор қабул қилувчиларнинг эҳтиёжларига асосланган бўлиши; кўрсаткич ўлчанаётган нарса учун муҳим бўлиши ва вақт ўтиши билан ўз аҳамиятини сақлаб туриши; кўрсаткичлар маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш учун тан олинган ва шаффоф методологиялардан фойдаланадиган ишончли манбаларга асосланган бўлиши керак деб изланиш олиб бorgan.

Юртимиздаги иқтисодий таҳлил фани асосчиларидан бири М.Қ.Пардаев инсон ресурслари самарадорлигига оид кўплаб илмий асарлар ёзиб, қарашларини асослаб берган. М.Қ.Пардаев асосан инсон ресурсларининг иқтисодий таҳлилдаги аҳамияти ва таъсири ҳақида изланишлар олиб бorgan бўлиб, инсон ресурсларига иқтисодий кўрсаткич сифатида қараган ҳамда буни фанда исботлаган².

Тадқиқот методологияси. Ушбу тадқиқотда инсон ресурслари самарадорлигини ўлчаш ва унга таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш мақсадида **микдорий ёндашув** асосида таҳлил ўтказилди. Тадқиқотнинг эмпирик базасини корхоналарда фаолият юритаётган ходимлар ва уларнинг иш самарадорлигини ифодаловчи статистик маълумотлар ташкил этди. Жумладан, ходимларнинг иш унумдорлиги, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми, ходим айланиши, ўқитилган ходимлар улуши каби кўрсаткичлар асосий таҳлил объектлари сифатида танланди.

Биринчи босқичда, **дескриптив статистик таҳлил** ёрдамида инсон ресурсларига оид кўрсаткичлар ҳолати, уларнинг ўзаро нисбати ва ўзгариш тенденциялари ўрганилди. Статистик маълумотлар корхона ҳисоботлари, Давлат статистика қўмитаси базаси ва маҳаллий манбалар орқали йиғилди. Бу орқали меҳнат самарадорлиги даражаси ва унга боғлиқ бўлган омиллар (иш ҳақи, рағбатлантириш тизими, малака ошириш даражаси) бўйича дастлабки хулосалар чиқарилди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида эса, **кўп омилли регрессия таҳлили** усулидан фойдаланилди. Бу усул инсон ресурслари самарадорлигига бир вақтнинг ўзида таъсир кўрсатувчи бир нечта омилларнинг нисбатини ва кучини аниқлаш имконини берди.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқот давомида инсон ресурслари самарадорлигини аниқловчи кўрсаткичлар ва уларга таъсир этувчи омиллар чуқур ўрганилди. Ҳозирги кунда

¹ <https://inlibrary.uz/index.php/jmsi/article/view/85715>

¹ О.Р. Хо‘жақулов. - Boshqaruvda inson resurslari samaradorligini baholash ko‘rsatkichlari.

<https://uzzamin.uz/uz/magazines/2-2022/boshqaruvda-inson-resurslari-samaradorligini-baholash-ko-rsatkichlari-uzzamin.pdf>

² Пардаев М.Қ., Бабаназарова С.А., Очилова Ҳ.Н. ва бошқалар. Инсон салоҳияти, инсон капитали ва инновация билан боғлиқ категорияларнинг назарий масалалари. Монография – Тошкент. “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”. 2024. 204 бет.

ташкilotларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан у ерда фаолият юритаётган инсон капиталининг даражаси, малакаси, ишга бўлган муносабати ва меҳнат унумдорлиги билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун, инсон ресурслари самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш ташкilot стратегиясининг ажралмас қисмига айланмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, инсон ресурслари самарадорлигини баҳолашда энг кўп қўлланиладиган кўрсаткичлар қуйидагилардир:

- Меҳнат унумдорлиги (бир ишчига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми ёки хизмат кўрсатиш бирликлари);
- Ўртача иш ҳақи ва унга нисбатан ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати;
- Ходимларнинг малака даражаси ва ўқитиш бўйича инвестициялар;
- Ишчи кучи айланиш даражаси (кадрлар оқими);
- Ходимлар ишга бўлган қониқиш даражаси (мотиватсия ва содиқлик кўрсаткичлари).

Мисол учун, корхона ёки ташкilotда бир ишчининг ўртача йиллик меҳнат унумдорлиги ошган бўлса, бу нафақат ходимнинг касбий салоҳияти ошганини, балки мотиватсион тизимнинг ҳам самарали ишлаётганини кўрсатади. Аксинча, юқори кадрлар айланиши эса корхона ички муҳитида муаммолар мавжудлигини билдиради.

Мана шундай изланишлар натижасида бир гуруҳ Самарқандлик олимлар ва изланувчилар томонидан бир қанча формулалар ишлаб чиқилган бўлиб, қуйида кўзатишларимиз ва изланишларимиз натижасида ишлаб чиқилган формулаларнинг таҳлилини кўриб чиқамиз:

$$Инр_s = \frac{K}{Inr} = \frac{K}{Av_{ak}} * \frac{Av_{ak}}{Av_{um}} * \frac{Av_{um}}{Inr}$$

Бу ерда: $Инр_s$ – *Inson resurslari samaradorligi*; K – Маҳсулот (иш); Inr – *inson resurslari*; Av_{ak} – *Asosiy vositalar aktiv qismi*; Av_{um} – *Asosiy vositalar umumiy qismi*.

Энди ушбу формулани сал ихчам коринишга келтирамиз

$$x_1 = \frac{K}{Av_{ak}}; x_2 = \frac{Av_{ak}}{Av_{um}}; x_3 = \frac{Av_{um}}{Inr}$$

y = Инсон ресурслари самарадорлиги

$$y = x_1 * x_2 * x_3 * \dots * x_n = \prod_{i=1}^3 x_i \quad i=(1,3)$$

Ушбу формула орқали биз корхона ва ташкilotларда инсон ресурслари самарадорлигини аниқ ва фактларга (кўрсаткичларга) асосланган ҳолда қандай ҳолатдагини билишимиз мумкин. Форумулада инсон ресурслари самарадорлигини ($Инр_s$) маҳсулотни (бажарилган иш ҳажми) (K) инсон ресурсларига (Inr) бўлиш орқали топамиз. Бунда инсон ресурсларининг қандай иш бажарилган ҳолати ва натижавийлик келиб чиқади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики биз юқорида келтирган формула кўплаб хўжалик корхоналари ҳамда баъзи тоифадаги бюджет ташкilotларида ҳам ишлайди. Бу корхонанинг йиллик натижаларини ва иқтисодий ҳолатини баҳолашда жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Энди формулада келтирилган инсон ресурслари назариясининг иқтисодий асосларига тўхталиб ўтадиган бўлсак. Инсон капитали назарияси¹ инсоннинг билим, малака, саломатлик ва касбий тажрибасини иқтисодий ресурс сифатида кўради. Бу ёндашув асосида сармоя фақат моддий активларга эмас, балки инсонларга ҳам йўналтирилиши ҳақида айтиб ўтилган. Ишчи кучининг сифатли бўлиши ишлаб чиқаришнинг барқарорлигини таъминланиши исботланган.

Мавзуга янада чуқурроқ ёндашган ҳолда, биз инсон ресурслари самарадорлигига таъсир этувчи омилларни ўрганиш бўйича изланишлар олиб бордик. Тадқиқот давомида ҳозирги шароитда мавжуд бўлган асосий омиллар аниқланиб, улар **ички** ва **ташқи** гуруҳларга ажратдик:

¹ Becker, G. S. (1964). *Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis, with Special Reference to Education*. University of Chicago Press. Schultz, T. W. (1961). Investment in Human Capital. *The American Economic Review*, 51(1), 1–17.

- **Ички омиллар** қаторига, аввало, ходимларнинг касбий малакаси ва амалий тажрибаси киради. Бундай омиллар ходимларнинг бевосита меҳнат фаолияти орқали ташкилот самарадорлигига таъсир кўрсатади. Шунингдек, корхона ёки ташкилотнинг бошқарув модели, инсон ресурсларини бошқариш сиёсати (HR сиёсати) ҳам муҳим омил ҳисобланади. Ташкилотда самарали мотивация ва рағбатлантириш тизимининг мавжудлиги эса ходимларнинг ишга бўлган муносабати ва содиқлигини белгиловчи асосий ички омиллардан биридир.
- **Ташқи омиллар** эса ташкилотнинг ўзига боғлиқ бўлмаган, бироқ унинг фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатувчи омиллардир. Жумладан, бозор конъюнктураси – яъни, товар ва хизматларга бўлган талаб ва таклифнинг ўзгариши, меҳнат қонунчилигидаги ўзгаришлар ва давлат сиёсати, ҳамда замонавий технологик ривожланиш инсон ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигига бевосита таъсир қилади. Айниқса, рақамли технологиялар, автоматлаштирилган тизимлар ва сунъий интеллект каби омиллар инсон капиталига бўлган талабни кескин ўзгартириб юбормоқда.

Юқоридаги омиллар орқали инсон ресурслари доимо ўзгариб унинг қиймати (бозордаги нархи) ҳам турлича бўлиб туради. Омилларнинг қандай таъсир этиши корхона ва ташкилотлардаги HR мутахассисларига ва ходимларнинг ўз устида ишлашига боғлиқ бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Мақолада инсон ресурслари самарадорлигини ўлчаш кўрсаткичлари, уларнинг иқтисодий моҳияти ва амалий аҳамияти ёритилди. Ҳар қандай ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона инсон ресурсларини ривожлантиришга стратегик ресурс сифатида қараши лозим. Инсон ресурслари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва унга таъсир этувчи омилларни янада ривожлантириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- HR технологияларни жорий этиш (HR analytics, KPI monitoring)
- Натижавий иш ҳақи тизимини ишлаб чиқиш
- Доимий касбий тайёргарлик дастурларини кенгайтириш
- Инсон капиталига йўналтирилган узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш.

Инсон ресурслари самарадорлиги – бу нафақат ишчи кучининг индивидуал маҳсулдорлигини, балки ташкилот ёки мамлакат даражасида рақобатбардошликни белгиловчи асосий омиллардан биридир. Самарали инсон ресурслари бошқаруви — ҳар қандай тизимнинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Инсон ресурсларини ривожлантириш орқали унга боғлиқ бўлган кўрсаткичлар ва омилларни ҳам ривожлантириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. М.Қ.Пардаев. “Иқтисодий таҳлил назарияси”. Тошкент -2021
2. Ш.М.Мирзиёев - Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси
3. Ш.М.Мирзиёев - “Ўзбекистон – 2030” стратегияси
4. Analysis of the activities of young leaders in enterprise management, Кхоликулов Анвар Нематович, Мирзаева Сьхирин Нодировна, Буркхонов Бекзод Саидазим ўғли
5. Инсон капиталининг хизматлар соҳасидаги ўрни. Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев-Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д. Бекзод Сайдазим ўғли Бурхонов -Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти 1-босқич магистранти. “Лучшие интеллектуальные исследования” халқаро илмий электрон журналу 17.11.2024
6. О.Р Хўжакулов. - Бошқарувда инсон ресурслари самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари. <https://uzzamin.uz/uz/magazines/2-2022/bos'hqaruvda-inson-resurslari-samaradorligini-baholash-ko-rsatkichlari-uzzamin.pdf>
7. Пардаев М.Қ, Бабаназарова С.А, Очилова Ҳ.Н. ва бошқалар. “Инсон салоҳияти, инсон капитали ва инновация билан боғлиқ” категорияларнинг назарий масалалари. Монография – Тошкент. “Фан ва технологиялар насхрийёт-матбаа уйи”. 2024. 204 бет.
8. <https://inlibrary.uz/index.php/jmsi/article/view/85715>
9. https://f.lib.dipuni.uz/IT/AAA/6.%20Yurisprudensiya/Inson%20resurslarini%20bos'hqaris'h/2023-11-09-11-15-04_8b5bc5115fe42d2158d653969c6a8b69.pdf

<p>Б.Бурханов</p> <p>Показатели эффективности человеческих ресурсов и факторы, влияющие на них</p> <p>Аннотация. В статье представлены основные показатели, определяющие эффективность использования человеческих ресурсов и их экономический анализ. В качестве объекта исследования была выбрана эффективность использования трудовых ресурсов на примере различных предприятий. Анализируется влияние внутренних и внешних факторов и даются научно обоснованные рекомендации.</p> <p>Ключевые слова: кадровые ресурсы, эффективность, производительность труда, мотивация, фонд оплаты труда, эффективность предприятия, экономические показатели, экономика, анализ.</p>	<p>B. Burkhanov</p> <p>Performance indicators of human resources and factors affecting it</p> <p>Abstract. This article presents the main indicators that determine the effectiveness of human resources and their economic analysis. As an object of research, the efficiency of labor resources was measured on the example of various enterprises. The influence of internal and external factors is analyzed and scientifically based recommendations are given.</p> <p>Keywords: human resources, efficiency, labor productivity, motivation, wage fund, enterprise efficiency, economic indicators, economy, analysis.</p>
---	--

Шахриёр Шодиёрович Тураев – Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бош бухгалтери, мустақил тадқиқотчи.

АДВОКАТЛИК ТУЗИЛМАЛАРИ АДВОКАТГА ИШ ҲАҚИ ТЎЛОВЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада дунёнинг ҳар бир ривожланган давлатларидаги мавжуд корхоналарнинг долзарб масалалари бўлган меҳнат ҳақи, уни тўлаш унга нисбатан ажратма ва ушланмаларнинг миқдори корхоналарда даромадга нисбатан меҳнат ҳақининг ўсиши каби масалалар ёритилган. Адвокатлик тузилмаларида даромаднинг шаклланиши унинг фарқлари, меҳнатга ҳақ тўлашнинг асосий йўналишлари бошқа корхоналардан ажралиб турувчи жиҳатлари кўрсатилиб, бу тўловларни амалга оширишда бухгалтериянинг оптимал ва қулай усулларидан фойдаланган ҳолда, қулай механизм орқали бухгалтерия муомаласига киритиш ва уни такомиллаштириш йўллари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: даромад, тузилма фонди, иш ҳақи, меҳнат ҳақи, айланма маблағлар, ажратма, ушланма, бухгалтерия, муомаласи, сўтлар режаси.

Кириш. Бугунги кунда жамиятимиз олдида қўйган устувор масалалардан бири қонун муҳофазаси ҳисобланади ва бу ҳар бир ривожланиб бораётган мамлакатларнинг олдидаги мақсади саналади. Бу мақсадга қулай ва оптимал равишда самарали етишишда юртимизда фаолият олиб бораётган адвокатларнинг роли ва миқёси жуда кенг. Бу борадаги ишларни амалга оширишда 2017-йилнинг 19-январ куни бу соҳани тубдан ислоҳ этишга қаратилган “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2733-сонли қарори имзолаб унда, бир қатор ечилиши лозим масалалар қўйилган.¹ Биз ушбу вазифаларни бажаришда асосий ролни амалга оширувчи адвокатларнинг тушуми уларнинг даромади тузилма фонди ва адвокатларга меҳнат ҳақи берилишидек долзарб масалани ечимига бағишланганлиги билан муҳим ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ҳозирда мавзу билан мамлакатимизда ва хорижий давлатлар олимлари ва амалиётчи ходимлари шуғулланиб келмоқдалар. Буларга Л.Б. Хван, И.Б.Зокиров, Ҳ.Б.Бобоев, З.Муқимов, Х.Т.Одилқориев, О.Оқюлов кабиларни²

¹“Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”19.01.2017й. ПҚ-2733-сонли қарор.Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.01.2018 й.

² Хван Л.Б. “ Солиқ ҳуқуқи” 2001 й. 430-Б Консаудитинформ нашриёти, Отахонов Ф.Ҳ. “Юридик хизматнинг хўжалик шартномаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашдаги роли” Ж.Хўжалик ва ҳуқуқ. – 2001. – 10-сон. – Б.26-33., Каримов И.А. “Адолат қонун устиворлигида”. -Т. “Ўзбекистон”. 2001й., Ҳ.Б.Бобоев “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” 2000 й. 523-Б. Тошкент Давлат юридик институти, И.Б.Зокиров “Фуқаролик ҳуқуқи” 2009 й. 609-Б. Тошкент Давлат юридик институти, Ў.Х.Мухамедов “Ҳуқуқшунослик асослари” 2019 й. 348-Б. Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВАкадемияси, 2019, З.Муқимов “Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи” 2003.Тошкент Адолат нашриёти. 280-Б. , 206

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

19.05.2025 йилда теришга берилди. 06.06.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0036А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.